


Шайтон чап қўли билан еб, чап қўли билан ичади | Сийрат дарслари (315-дарс)



19:00 / 24.01.2025 2222

568. Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Ҳинд бинт Утба: «Эй Аллоҳнинг Расули, Абу Суфён хасис одам, менга ва боламга кифоя қиладиган нарсани бермайди. Фақат унга билдирмай олсамгина бўлур», деди. **«Ўзингга ва болаларингга кифоя қиладиганини маъруф ила олавер»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

569. Ҳузайфа ибн Ямон розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам билан бирга таомда ҳозир бўлсак, то Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам бошламасларидан олдин қўл

узатмас эдик. Биз бир марта у зот билан бирга таомга ҳозир бўлдик. Шунда бир жория худди уни биров қуваётгандек шошилиб келди ва таомга қўлини узата бошлади. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уни қўлидан тутдилар. Сўнгра бир аъробий худди уни биров қуваётгандек, шошилиб келди. Шунда у зот уни ҳам қўлидан тутдилар ва: **«Албатта, шайтон Аллоҳнинг исми зикр қилинмаган таомни ўзига ҳалол ҳисоблайди. У мана бу жорияни у туфайли ўзига ҳалол қилиб олиш учун келтирди. Шунда мен унинг қўлидан тутдим. Сўнг мана бу аъробийни у туфайли ўзига ҳалол қилиб олиш учун келтирди. Шунда мен унинг ҳам қўлидан тутдим. Жоним қўлида бўлган Зот билан қасамки, албатта, унинг (шайтоннинг) қўли жориянинг қўли билан менинг қўлимга тушди»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

570. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бирортангиз таом еса, Аллоҳнинг исмини зикр қилсин. Агар аввалида Аллоҳнинг исмини зикр қилишни унутиб қўйса, «Бисмиллаҳи аввалаҳу ва охираҳу» десин»**, дедилар».

Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.

571. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деяётганларини эшитибди: **«Ўз уйига кираётган киши кириш пайтида ва таоми пайтида Аллоҳни зикр қилса, шайтон: «Сизларга ётоқ ҳам йўқ, кечки таом ҳам йўқ»**, дейди. **У уйига кирсаю, кириш пайтида Аллоҳни зикр қилмаса, шайтон: «Ётоққа эга бўлдингиз»**, дейди. **Агар таоми пайтида Аллоҳни зикр қилмаса, «Ҳам ётоққа, ҳам кечки таомга эга бўлдингиз»**, дейди».

Муслим ривоят қилган.

572. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бирортангиз чап қўли билан емасин ва чап қўли билан ичмасин. Чунки шайтон чап қўли билан еб, чап қўли билан ичади»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.